Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 95 (4790).
27 АПРЕЛЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

Л. И. Брежнев билан Н. А. Тихонов ўртоқлар Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармалга ва Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Султон Али Кештманга табрик телеграммаси йўлладилар. Телеграммада жумладан шундай дейилади:

Совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва ўз номимиздан Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетига, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашига, ҳукуматига, бутун афғон халқига ва шахсан Сизларга миллий байрам — Апрель революциясининг тўрт йиллиги муносабати билан самимий қутловлар йўллаймиз.

КПСС Марказий Комитети «Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигининг қурилиш ишларини техника билан қайта қуроллантириш ва илғор методларини жорий этиш соҳасидаги иши тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

«Главташкентстрой» 6-трести 33-қурилиш бошқармасининг бир группа қурувчилари Студентлар шаҳарчасида турар жой бинолари қурилишида фаол иштирок этишмоқда. Бунёдкорлар график топшириқларини ўз вақтида сифатли адо этишяпти.

СУРАТДА: шу бошқарманинг илғор қурувчиларидан прораб О. Ҳамроев ва Б. Абдиев.

М. Нуриддинов фотоси.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1982 йил 26 апрель куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг V пленуми бўлди. «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшириш пайтида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбатда сўзлаган нутқларида берилган кўрсатмаларни бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Махмудова, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Тошкент трактор заводининг катта мастери А. В. Федюшина, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойибов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ректори С. Искандаров, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори Э. Т. Шайхов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов, Толлимаржон районидаги «Коммунист» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. Н. Носирова, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори В. Қодиров, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози правлениесининг раиси М. Пўлатов ўртоқлар қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРда бўлган вақтида ўртага қўйган вазифаларни бажариш соҳасида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети белгилаган ташкилий-сиёсий тадбирларни тасдиқлади.

Ўртоқ Э. Ғ. Ғафуржонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири ўртоқ В. И. Смирнов иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

«КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВнинг ЎЗБЕКИСТОН ССРга ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИШ ПАЙТИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАГИ СУҲБАТДА СЎЗЛАГАН НУТҚЛАРИДА БЕРИЛГАН КЎРСАТМАЛАРНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИ V ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшириш пайтида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбатда сўзлаган нутқларида берилган кўрсатмаларни бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни мамнуният билан қайд этадики, Леонид Ильич Брежневнинг республикада бўлиши, унинг ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, партия-хўжалик активи билан учрашувлари партия билан халқ бузилмас бирлигининг, Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети теварагига метиндек жипслашганлигининг, улар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларининг ёрқин намойишига айланиб кетди, ҳамма жойда омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборди.

Меҳнаткашлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали мажлисида ҳамда республика раҳбарлари билан суҳбатдаги ёрқин ва самимий нутқларини программавий ҳужжатлар сифатида қабул қилдилар. Бу нутқларда мамлакатнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари кўрсатиб ўтилди, совет жамиятини муттасил ривожлантиришнинг энг муҳим проблемалари ленинча зукколик билан илмий асослаб анализ қилинди, янги ташқи сиёсий ташаббуслар олға сурилди. КПСС ва Совет давлатининг Ер юзида бузилмас тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган йўли ўзгармас эканлиги таъкидланди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг келиши — партиямиз, унинг Марказий Комитети республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш тўғрисида зўр эътибор бериб тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатувчи яна бир яққол далилдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқларида республика экономикаси, фани ва маданиятини янада ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишнинг, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини такомиллаштиришнинг туб вазифаларини ўртага қўйди.

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ана шу вазифаларни бажаришни муқаддас бурч, энг биринчи вазифа деб, жанговар иш программаси деб билмоқдалар.

Пленум ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд деб ҳисоблайди. Республика халқ хўжалиги муттасил ривожланиб бормоқда. Саноат, капитал қурилиш, транспорт ва алоқада ижобий ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Фан, маданият, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш янада ривожлантирилди, аҳолига савдо, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш анча яхшиланди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси тўхтовсиз юксалиб бормоқда.

Партия XXVI съезди ўн биринчи беш йиллик республика олдига экономика ва маданиятни янада ривожлантириш соҳасида янги-янги вазифаларни қўйди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун экономиканинг анча ўсишини таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш, ҳар томонлама интенсивлаш асосида унинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, барча бўғинларда хўжалик юритиш даражасини юксалтириш зарур.

Ҳолбуки, бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Бир қанча корхоналарда, хусусан, минерал ўғитлар, цемент, газламалар ишлаб чиқариладиган қувватлардан яхши фойдаланилмаяпти. Меҳнат унумдорлиги суст ошмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш даражасининг пастлиги, қўл меҳнати салмоғи катталиги, технология ва меҳнат интизомининг бўшлиги бунинг асосий сабабларидир.

Пленум қурувчиларнинг ишини муносиб баҳолаш билан бирга шуни ҳам қайд этадики, бу муҳим соҳада ҳам фойдаланилмаётган катта резервлар мавжуд. Айрим қурилиш трестлари қурилиш-монтаж ишлари планларини уддалай олмаяптилар, объектлар ўз вақтида ишга туширилишини таъминламаяптилар, бир маромда ишламаяптилар. Уй-жой қурилиши сифати меҳнаткашларнинг адолатли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Пахтачиликда ҳам талайгина резервлар бор. Пахта ҳосилдорлигини ошириш асосий резервларнинг биридир. Ўтган йили 100 дан кўпроқ хўжалик пахтадан республикадаги ўртача даражадан паст ҳосил олди. Пахтанинг сифатини ошириш муҳим вазифадир. Пахтани асраш ва қайта ишлашдаги камчиликларга барҳам берилмаган. Дон, хусусан маккажўхори дони, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Республикада чорвачиликни ривожлантириш суръатларини бундан буён ҳам ошириб бориш зарур.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг иши меҳнаткашларнинг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини ҳали тўла даражада қондираётгани йўқ. Савдо, умумий овқатланиш корхоналари тармоғи, омборхоналар, музхоналар сусткашлик билан кенгайтирилмоқда.

Пленум республикада юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун кўп иш қилинаётганлигини қайд этади. Аммо ана шу кадрлардан ҳамма жойда омилкорлик билан фойдаланилмоқда деб бўлмайди. Халқ хўжалигида мутахассислар жуда кўп бўлгани ҳолда раҳбарлар лавозимларининг 23 процентидан кўпроғи ва мутахассислар лавозимларининг 14 проценти практиклар билан банд.

Республика партия ташкилотлари катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бормоқдалар. Партия комитетлари фаолиятининг услуб ва методларини бундан буён ҳам яхшилаш лозим. Бутун идеология ишини такомиллаштириш давом эттирилсин, унинг турмуш билан алоқаси мустаҳкамлансин, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятининг бирлигига, мавжуд камчиликларнинг бартараф этилишига сабот билан эришилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Тошкентдаги нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар, унинг тавсиялари ва кўрсатмалари раҳбарлик ва оғишмай бажариш учун қабул қилинсин.

Республика партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, министрликлари ва идоралари уларни турмушга татбиқ этиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.

2. Область, шаҳар, район партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари зиммасига экономикани янада ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш тадбирларини кўриш, ҳар томонлама интенсивлаш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини сабот билан ошириш мажбурияти юклансин. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшилансин. Меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни анча яхшилаш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини жадал ишга тушириш йўли билан саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстиришга эришилсин. Қурилиш сифатини ошириш, уйсозлик комбинатлари ва Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг ишини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилсин. Транспорт ва алоқанинг янада ривожлантирилиши таъминлансин. Ҳамма жойда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаси — бригада пудрати жорий этилсин.

3. Партия комитетлари, совет органлари, тегишли министрликлар ва идоралар қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, ерларни ирригациялаш ва мелиорациялашни, химиялаш ва комплекс механизациялашни янада ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигининг комплекс тараққий эттирилишини таъминласинлар. Қишлоқ хўжалигини саноат асосига ўтказишни таъминлайдиган тадбирлар амалга оширилсин, деҳқончилик ва чорвачилик маданияти юксалтирилсин.

Пахта, дон, мева ва сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш қишлоқ хўжалигининг асосий йўналиши деб ҳисоблансин. Пахтачиликда Тошкент технологиясидан ҳамма жойда фойдаланиш тавсия этилсин. Мамлакат озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга республика қўшадиган ҳиссани бутун чоралар билан кўпайтириш ғоят муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

4. Партия, совет, хўжалик органлари зиммасига аҳолига савдо, маиший, коммунал ва медицина хизматини янада яхшилашни таъминлаш мажбурияти юклансин. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ҳар томонлама юксалтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинсин.

5. Область, шаҳар, район партия комитетлари иш услуби ва методларини муттасил такомиллаштирсинлар, ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида коммунистларнинг авангардлик ролини мустаҳкамласинлар ва активлигини оширсинлар, бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшиласинлар, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантирсинлар. Партия турмушининг ленинча нормалари ва партия раҳбарлиги принципларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар, коллективларда чинакам ўртоқлик, юксак талабчанлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтирсинлар. Меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига нисбатан сезгирлик ва эътибор билан муносабатда бўлинсин. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар яхшилансин. Топширилган иш учун кадрларнинг масъулияти оширилсин. Пухта тайёргарлик кўрган хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларига дадилроқ кўтарилсин. Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар ишлаб чиқаришда доимий ўрнашиб қолиши, улардан тўғри фойдаланилиши чоралари кўрилсин.

6. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида сўзлаган нутқларида баён этилган қоида ва хулосаларни кенг пропаганда қилиш ҳамда тушунтиришни таъминласинлар, ана шу қоида ва хулосаларни ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг қалбига етказсинлар. Шу мақсадда идеологик таъсир ўтказишнинг барча воситаларидан, партия пропагандасидан, лекция ишидан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш зарур.

Ташкилотчилик ва сиёсий ишларни муттасил яхшилаш, ўртоқ Л. И. Брежневнинг сафарбар этувчи кўрсатмалари ва маслаҳатлари асосида 1982 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планлари ҳамда топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақанинг янада такомиллаштирилиши ҳамда унинг таъсирчанлиги оширилиши таъминлансин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг кўрсатмаларига амал қилиб, КПСС XXVI съезди қарорларини, коммунистик қурилишнинг съезд ишлаб чиққан улуғвор программасини амалга ошириш соҳасида яна ҳам фидокорона меҳнат қиладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

26 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда комиссия 1981 йилда қилган ишлар тўғрисида Ревизия комиссиясининг раиси Ш. Ёқубовнинг ахбороти тингланди.

Ревизия комиссиясининг 1982 йилги иш плани тасдиқланди. (ЎзТАГ).

АФҒОНИСТОН РЕВОЛЮЦИЯСИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Апрель революциясининг тўрт йиллиги муносабати билан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига биноан ўтказилаётган Афғонистон Демократик Республикаси билан халқаро бирдамлик ҳафталигида актив иштирок этмоқдалар.

Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 26 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши Афғонистон Демократик Республикасининг миллий байрамига бағишланди. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон пойтахти ўқув юртларида таълим олаётган афғонистонлик йигит ва қизлар иштирок этдилар. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги республика комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари афғон халқи Халқ Демократик партияси раҳбарлигида мустақил ривожланиш йўлидан комил ишонч билан бораётганлиги, янги ҳаёт қуришда империализм ва реакциянинг унга халақит беришга уринишларига сабот билан қарши тураётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Улар ривожланаётган ёш давлатга интернационал ёрдам кўрсатиш ишига Ўзбекистон салмоқли ҳисса қўшаётганлигини ифтихор билан айтиб ўтдилар.

Нотиқлар афғонистонлик дўстларни шонли сана билан самимий табрикладилар ва ўз жамиятини революцион ўзгартишда уларга янада катта муваффақиятлар тиладилар. (ЎзТАГ).

ТАХМИНЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

Мамлакатимиздаги ва хорижий мамлакатлардаги шашка мухлислари гроссмейстер Александр Дибман (Ленинград) ва спорт мастери Вадим Вирний (Харьков) ўртасидаги курашнинг боришини зўр қизиқиш билан кузатишмоқда. Маълумки, бу икки шашкачи ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони номини олиш учун ўзаро баҳслашмоқда. Улар ўртасидаги курашнинг боришига қизиқиш жуда катта эканлигининг боиси нимада? Аввало, ҳар икки шашкачи ҳам ҳали ёш. Улар эркаклар ўртасида шашка тожи учун бўладиган кураш иштирокчиларидир. Кейинги пайтларда жаҳон биринчилиги учун ўтказилган баҳсларда асосан совет ва голланд шашкачилари кураш олиб боришди.

Бу икки кучли шашка мактаби ўртасидаги кураш ҳар жиҳатдан давом этяпти. Эркаклар, аёллар, ўсмирлар ўртасида ҳам. Бунга қўшимча ҳар йили СССР — Нидерландия командалари ўртасида матч учрашуви ўтказилмоқда. Энг кучли бу мактабларнинг вакиллари тез-тез ғолибликни қўлга киритадилар. Жумладан, халқаро классли гроссмейстер Анатолий Гантварг (СССР) ва Харм Вирсма (Нидерландия) ўртасида тез-тез шундай бўлиб туради. Яқинда ўтказилган жаҳон биринчилигида харьковлик студент Ольга Левина ғолиб чиқди. Тошкентдаги матч ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионини аниқлаб бериши керак.

Кейинги пайтларда Голландияда чиқадиган газета ва журналларда А. Дибман ҳозир жаҳондаги энг кучли шашкачи эканлиги ҳақида мутахассисларнинг кўплаб мақолалари эълон қилинди. Жумладан, машҳур шашкачи, собиқ жаҳон чемпиони голландиялик гроссмейстер Тони Сейбрандс ўйналган партияларнинг ҳаммасини чуқур таҳлил қилиб, у 1984 йилда Александр жаҳон чемпиони бўлади, деб хулоса чиқарди.

Ҳақиқатдан ҳам А. Дибман 1980 ва 1981 йилларда ўтказилган СССР биринчилигида иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритди. Кейин эса Кисловодск шаҳрида ўтказилган турнирда ғолиб чиқди. Ана шу турнирда у кейинги йилларда Голландия чемпиони бўлган халқаро классли гроссмейстер Р. Клерк ва Я. ван дер Вал, африкалик гроссмейстер М. Ньдя ва бошқа машҳур шашкачиларни орқада қолдириб кетди.

Шу боисдан ҳам матчда гроссмейстернинг яхши ўйин кўрсата олмаётганлиги ва ўз имкониятларидан тўғри фойдалана олмаётганлиги сабабини тушуниш қийин. Назаримизда учрашув якунланганидан кейин мутахассислар курашнинг боришини чуқур таҳлил қилиб, муваффақиятсизлик сабабларини аниқлаб беришади. Бу сафар учинчи партияда ҳам гроссмейстер ҳужумга зўр берди. Лекин ўзи қаттиқ қаршиликка учради. Қийин аҳволдан чиқиш йўлларини топиш учун кўп вақт сарф қилди. Натижада яна цейтнотга тушиб қолди ва учинчи марта мағлубиятга учраганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Н. КОЗЛОВ,
СССР шашка федерацияси раисининг ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВнинг ЎЗБЕКИСТОН ССРга ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИШ ПАЙТИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАГИ СУҲБАТДА СЎЗЛАГАН НУТҚЛАРИДА БЕРИЛГАН КЎРСАТМАЛАРНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Ўртоқлар!

Марказий Комитетнинг бу пленуми республика партия ташкилотининг фаолиятида алоҳида чинакам тарихий ўрин олади. Пленум қатнашчилари «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшириш пайтида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбатда сўзлаган нутқларида берилган кўрсатмаларни бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги бениҳоя муҳим масалани чуқур ва атрофлича муҳокама қилишлари лозим.

1982 йил март кунларида республика меҳнаткашлари улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневни зўр завқ-шавқ билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонда бўлиши мамлакатимиз меҳнаткашларини ва чет эллардаги кишиларни ғоят қизиқтирди. Бу сафарнинг муҳим сиёсий якунлари ҳамманинг диққат марказида турибди. Леонид Ильич Ўзбекистон ССРга Ленин орденини топширганлиги, унинг республикада ўтказган иши партия билан халқнинг кучларини КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга тағин ҳам зўрроқ сафарбар этиш учун актуал аҳамиятга эгадир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали мажлисида ва республика раҳбарлари билан суҳбатда сўзлаган ёрқин, илҳомбахш нутқларини меҳнаткашлар программавий ҳужжатлар деб қабул этдилар. Бу нутқларда бизнинг СССР халқлари қардошлик оиласида хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятларимиз тасвирлаб берилди, совет жамияти узлуксиз ривожланишининг энг муҳим проблемалари чуқур таҳлил этилди, ташқи сиёсат бобида янги ташаббуслар баён қилинди. КПСС билан Совет давлатининг ер юзида доимий тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгармас йўли тасдиқланди. Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларидаги қоидалар ва хулосалар коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Леонид Ильичнинг республикамизда бўлиши партиямиз, унинг Марказий Комитети Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришга зўр эътибор билан тинимсиз ғамхўрлик қилаётганлигининг яна бир яққол далилидир.

Бу сафар нуқул амалий характерда бўлиб, республика экономикаси, фани ва маданиятини янада ривожлантириш соҳасидаги ишда турли соҳаларда ҳали ҳам давом этиб келаётган камчиликларни тугатишда Ўзбекистон партия, совет, хўжалик органларига амалий ёрдам беришга қаратилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур далил — исботли танқидий мулоҳазалари, амалий маслаҳатлари ва тавсиялари резервлардан яхшироқ фойдаланиш тўғрисидаги масалани принципиал тарзда ўртага қўйишнинг, эришилган натижаларни баҳолашга чинакам партиявий ёндашишнинг намунасидир.

Леонид Ильич Брежневнинг ишчилар, колхозчилар, зиёлилар билан, партия-хўжалик активлари билан учрашувлари партия билан халқ мустаҳкам бирлигининг, Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети теварагида метиндек жипслашганлигининг, улар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигининг ёрқин намойишига айланди, омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада жўш урдириб юборди. Кўп кишилик митинг ва йиғилишларда, хат ва телеграммаларда ишлаб чиқариш коллективлари, шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари партиямиз Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига ва шахсан Леонид Ильич Брежневга астойдил миннатдорчилик изҳор этмоқдалар, янги оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

Ўртоқлар! Леонид Ильич Брежнев республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини оқилона жойлаштириш ва янада ривожлантириш билан, резервлардан самарали фойдаланиш, аҳолига хизмат қилишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган таклифларимизни сидқидилдан қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Навоий областини тузиш тўғрисидаги Фармони яқинда эълон қилинганлиги пленум қатнашчиларига яхши маълум. Шу қудратли аграр-саноат комплекси составига Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, Конимех, Кизилтепа, Навбаҳор, Навоий, Нурота, Томди, Учқудуқ ва Хатирчи районлари киритилди.

Биз учун ҳаётий муҳим бўлган бу масала ижобий ҳал этилганлиги учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, шахсан азиз Леонид Ильич Брежневга шу юксак минбарда туриб астойдил ташаккуримизни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Леонид Ильич Тошкентда сўзлаган нутқларида республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтириш партия ташкилотининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини такомиллаштиришнинг конкрет йўлларини ўзига хос донишмандлик билан кўрсатиб берди. Леонид Ильич ўртага қўйган вазифалар узоқ истиқболга мўлжалланган. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш — бизнинг муқаддас бурчимиз, энг муҳим вазифамиздир.

Бугунги пленумнинг мақсади ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев баён этган ҳар бир қоидани, ҳар бир хулосани амалий ишларда рўёбга чиқаришдан, бу ишларни сўзсиз бажаришга қаратилган конкрет тадбирларни белгилаб олишдан иборат.

Бунинг учун бизда пухта пойдевор барпо этилган, шу пойдеворга таяниб республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг янада масъулиятли вазифаларини ҳал этиш лозим. Тўққизинчи, ўнинчи беш йилликларда ва ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги соҳасида эришилган муваффақиятлар шу пойдеворни вужудга келтирган. Шу вақт ичида Ўзбекистоннинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баравар кўпайди. Ўнинчи беш йилликнинг бир ўзида белгиланган йиллик планлардан ташқари бир ярим миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Капитал қурилишда ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан белгиланган беш йиллик план ошириб бажарилди. Чала қолган қурилиш ҳажми анча қисқартирилди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Беш йиллик мобайнида республика ялпи қишлоқ хўжалигининг йиллик ўртача маҳсулотини етиштириш топшириқлари 22 процент ўрнига 25,5 процент кўпайди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма турлари маҳсулотларини тайёрлаш анча ошди. Республика об-ҳаво шароитлари мураккаб келишига қарамай қаторасига икки йилдан бери Ватанга олти миллион тоннадан ошириб пахта бераётганлиги тўғрисида ҳаққоний ифтихор туйғуси билан гапирамиз.

Илм-фан, маданият, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш янада ривож топди, аҳолига савдо, маиший ва коммунал хизмат соҳасининг ҳамма тармоқлари ўз ишини анча яхшилади. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси муттасил ошмоқда.

Ўн биринчи беш йилликда республика олдида янада кенг миқёсли, мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Биз экономиканинг янада ўсишини таъминлашимиз, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштиришимиз, ҳар томонлама интенсивлаш асосида унинг самарадорлигини собит билан оширишимиз, барча тармоқларда маҳсулот ва хизмат сифатини яхшилашимиз, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришимиз, бошқарувни мукаммаллаштиришимиз, барча бўғинларда хўжалик юритиш савиясини оширишимиз керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съезди маъқуллаган беш йиллик планларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан биз йўлнинг бошланғич, қандайдир энг қийин участкасини нақадар муваффақиятли босиб ўтишимизга боғлиқ эканини уқтирди. Шуни таъкидлаш билан бирга, у: «Сизларнинг республикангиз беш йилликни яхши бошлаганини таъкидлаш билан ғоят қувонаман, ўртоқлар», деб айтди.

Саноат юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Индустрия меҳнатчилари 1981 йил ва бу йилнинг биринчи квартали топшириқларини муваффақиятли уддаладилар. Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6 процентдан зиёд ўсди. Беш йиллик бошланганидан бери топшириқдан ташқари 330 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Фан-техника тараққиётини ва халқ фаровонлиги ошишини белгилайдиган етакчи тармоқлар илдам суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги муҳимдир. Газ, химия, нефтни қайта ишлаш саноатида, қора металлургия, машинасозлик, енгил саноатда ўсиш 7—10 процентни ташкил этди.

Умуман беш йиллик мобайнида биз саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 30 процент кўпайтиришимиз, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи тармоқларда эса бундан ҳам кўпроқ оширишимиз лозим. Шу кўрсаткичларга эришиш учун ҳар бир йилда бир маромда ишлашни таъминлаш зарур.

Шу муносабат билан республиканинг баъзи йирик корхоналарида, чунончи Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва химия заводида, Тошкент экскаватор заводида ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари пасайганлиги бизни айниқса ташвишга солмоқда. Биринчи кварталда Андижон ва Сирдарё областлари ўсиш суръатларини пасайтириб юбордилар. Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм областларида суръатлар жуда оз кўтарилди.

Айрим министрликлар асоссиз равишда пасайтирилган ишлаб чиқариш планларини қабул қилаётганликларини нормал бир ҳол деб бўлмайди. Шунинг натижасида 1982 йилда кўпгина саноат корхоналари учун ўтган йили эришилган даражадан камроқ план белгиланди. Уларнинг анчагина қисми халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи корхоналар эканлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Чунончи, Тайёрлаш, Бинокорлик материаллари саноати, Озиқ-овқат саноати министрликлари ўзининг кўпгина корхоналарига пасайтирилган планлар белгилаб берди.

Шу министрликларнинг раҳбарларидан, хўш, ўзларингизга қарашли корхоналарнинг планларини ишлаб чиқишда қайси принципларга асосландингиз? — деб сўрамоқчимиз. Модомики, суръат шундай бўлар экан, улар беш йиллик топшириқларини қандай қилиб бажаришни ўйламоқдалар? Республика Госплани кўпроқ принципиаллик ва талабчанлик қилиши, министрликларнинг корхоналарига тигиз, реал планларни етказиб бериш соҳасидаги иши устидан қаттиқ контроллик қилиши керак.

Қувватлардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришнинг муҳим омилидир. Республикада қудратли саноат потенциали вужудга келтирилган. Асосий фондлар ва оборот маблағлари ҳозир 53 миллиард сўмликдан ошиб кетди. Бу — катта умумхалқ бойлигидир, партиянинг доно ленинча миллий сиёсати натижасидир. Бизнинг муқаддас бурчимиз эса бу бойликдан моҳирона, самарали ва баракали фойдаланишдан иборат.

Бироқ, кўпгина корхоналарда ва бутун-бутун тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланилмаяпти. Бу гап аввало минерал ўғит, цемент ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга тааллуқлидир. Химия саноати корхоналарининг қувватидан бултур атиги 74,3 проценти фойдаланилди. Самарқанд химия заводидаги қувватларга умуман «дам» бериб қўйилган, уларнинг атиги 45 процентидан фойдаланилди.

Минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг раҳбарлари, уларнинг партия ташкилотлари мавжуд ва янги ишга тушириладиган қувватлардан фойдаланишни кескин яхшилашга доир тадбирлар сўзсиз бажарилишини таъминлашлари зарур.

Вазифа шундан иборатки, беш йиллик охиригача минерал ўғит ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 95—96 процентга, ўсимликларни химоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 98 процентга етказилиши керак. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни тахминан 150—160 миллион сўмлик миқдорда кўпайтиришни таъминлайди.

Ҳозир ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни тубдан яхшилаш ва янги қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Планга қўшимча равишда шу йилнинг ўзидаёқ 330 минг тонна минерал ўғит, 400 тонна қоторан ва 400 тонна акрекс ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон металлургия комбинатида пўлат ишлаб чиқариш қувватларидан, «Узбекхлопкомаш», «Узбектекстильмаш» бирлашмаларидаги, электр-техника саноати корхоналаридаги қувватлардан фойдаланиш юзасидан ҳам ана шундай тадбирларни кўриш зарур.

Тўқимачилик саноати корхоналаридаги қувватлардан ёмон фойдаланилаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ишлаб чиқариш қувватларидан жуда ёмон фойдаланилаётган Тошкент ва Бухоро тўқимачилик комбинатларининг ишини ҳақли равишда танқид қилди. Тошкент тўқимачилик комбинатидаги машина-ускуналарнинг чорак қисми, Бухоро комбинатида эса ярмиси иш билан таъминланмаган. Натижада мана шу икки йирик корхона халққа зарур бўлган кўпгина миқдордаги маҳсулотни бермаяпти.

Тошкент ва Бухоро шаҳар партия комитетлари мазкур комбинатларда кадрларнинг қўнимсизлиги юқори эканлигига, ишлаб чиқаришнинг лозим даражадаги инженерлик таъминоти йўлга қўйилмаганига, унумли меҳнат қилиш, яшаш ва дам олиш учун ишчиларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилмаганлигига муросасозлик қилиб келмоқдалар. Партия комитетлари бирталай қарорлар қабул қилсаларда, уларнинг бажарилишини контроллик қилмаяптилар.

Тошкент ва Бухоро шаҳар партия комитетлари шу корхоналарнинг фаолиятини чуқур таҳлил этишлари, уларга амалий ёрдам беришлари, уларни илғор корхоналар сафига чиқариб олишлари зарур. Бу эса КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «СССР Енгил саноат министрлиги системасидаги тўқимачилик ва бошқа баъзи саноат тармоқлари ишлаб чиқариш бирлашмаларида ҳамда корхоналарида кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорига амалий жавоб бўлади.

Тўқимачилик корхоналари пахта учун умумхалқ курашимизда таркибий ва жуда муҳим бўғиндир. Республиканинг бебаҳо бойлиги — «оқ олтин» бу корхоналарда ўзининг технологик жиҳатдан ниҳоясига етиб, сифатли газламаларга айланади. Модомики шундай экан, пахтакорлар, пахта тозаловчиларнинг қаҳрамонона меҳнат эстафетасини тўқимачилар давом эттириб, кўпайтиришларига эришиш керак.

Меҳнат унумдорлигини муттасил ўстириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартидир. Республикамизда ишга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатаётган кўпгина ажойиб меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бор.

Шундай бўлса ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи жуда ўткир бўлиб турибди. 1981 йилда саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг атиги 56 проценти шу омил ҳисобига ҳосил қилинди.

Шу йилнинг биринчи кварталида 105 та корхона меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган планларни бажармади. Тошкент шаҳрида, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё областларида бундай корхоналар кўп.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси пастлиги, қўл меҳнатининг салмоғи кўплиги, технология ва меҳнат интизомининг бўшлиги бунинг энг асосий сабабидир. Ҳамон иш вақтининг анчагина қисми зое кетмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноати, аҳолига маиший хизмат ва бинокорлик материаллари саноати министрликлари иш ҳақи ортиқча сарфланишига йўл қўймоқдалар, ортиқча ходимларни ушлаб турибдилар.

Партия билан давлат инсоннинг меҳнатини сермазмун, мароқли, ижодий қилиш, бинобарин, янада унумли, сермаҳсул, бунёдкор меҳнатга айлантириш учун кўп куч-ғайрат сарфлаб келганликлари ва сарфлаётганликларини ўртоқ Л. И. Брежнев мамлакат касаба союзларининг XVII съездидаги нутқида уқтириб ўтди.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, оз малака талаб қиладиган ва оғир жисмоний меҳнатни тугатиш асосида меҳнат унумдорлигини муттасил ўстиришни таъминлашлари керак.

Маҳсулот сифатини ошириш соҳасида муайян иш қилинди. Аммо ҳали биз бу соҳада кўп иш қилишимиз лозим. Маҳсулот сифатини ошириш — кўп қиррали, комплекс вазифадир. Планлаштириш ва бошқаришнинг бутун механизмини, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бутун системасини, инженерларнинг куч-ғайратлари ва ишчиларнинг маҳоратини шу вазифани ҳал этишга қаратиш лозим. Партия ташкилотлари, касаба союзлари, комсомол, хўжалик раҳбарларининг бутун диққат-эътибори доимо шу масалага қаратилиши зарур.

Леонид Ильич Брежнев планларни белгиланган номенклатурага мувофиқ равишда хом ашё ва тайёр маҳсулот етказиб бериш муддатларига қаттиқ риоя этиб бажариш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Биринчи квартал якунларига қараганда 240 та корхона топшириқни белгиланган номенклатурага мувофиқ бажаришни уддаламади. 68 хил маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди.

Биз бу соҳадаги ишни зудлик билан яхшилаб олишимиз зарур. Хом ашё ва маҳсулот етказиб бериш топшириқларини тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш — муҳим хўжалик, иқтисодий вазифагина эмас. Бу — зўр социал, сиёсий аҳамиятга молик масаладир.

Республикамиз экономикаси яхлит умумиттифоқ халқ хўжалиги комплексининг ажралмас таркибий қисми эканини, унинг ҳамма бўғинлари аниқ ва пухта ишлаши лозимлигини доимо ёдда тутишимиз керак. Республикалараро мол етказиб бериш соҳасидаги ҳамма топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, ўз ресурсларидан бутун мамлакат манфаатлари йўлида максимал равишда фойдаланиш — амалдаги ҳақиқий интернационализмнинг ўзидир.

Экономикани интенсивлаш унинг самарадорлигини ошириш транспорт ва алоқа ишига нисбатан юксак талаблар қўяди. Автомобиль транспорти, автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш, алоқа министрликлари, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, граждан авиацияси бошқармаси, бошқа министрликлар ва идоралар янги қувватларнинг ишга туширилишини илдам суръатлар билан таъминлашлари, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишни тугаллашлари, транспорт воситаларидан, алоқа воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини анча кўтаришлари, иш маданиятини оширишлари лозим.

Ўртоқлар! Леонид Ильич Брежнев республика раҳбарлари билан учрашувда сўзлаган нутқида биз қурилиш соҳасида олға томон дуруст қадам қўйганимизни уқтириб ўтди. «Ўзбекистонлик қурувчилар, — деди у, қурилаётган объектларни муддатидан илгари ишга тушириш ташаббусларини бир неча бор кўтариб чиқдилар. Улар доимо ўз сўзларининг устидан чиққанликлари айниқса муҳимдир».

Кейинги вақтларда республикада бинокорлик индустриясининг базаси анчагина ривож топди. Тўла йиғма қурилиш, янги самарали материаллар ишлаб чиқариш қувватлари кўпайди.

Бултур қурувчилар билан монтажчилар ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддаладилар. Капитал маблағ плани 103 процент, қурилиш-монтаж ишлари плани 104 процент бажарилди. Уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалардан фойдаланиш учун топшириш планлари бажарилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий-маиший тармоқларнинг 120 тадан кўпроқ катта объектлари ишга туширилди. 1982 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилинди. Қурувчиларимиз яхши суръат билан ишлаётганликларини биринчи квартал якунлари кўрсатиб турибди.

Қурилишда бригада пудратини жорий этиш тобора кенг қулоч ёймоқда. 1981 йилда хўжалик ҳисоби асосида ишловчи коллективлар тўрт ярим мингтага етди. Улар қурилиш-монтаж ишлари жами ҳажмининг ярмига яқинини бажарди. Кейинги йилларда Злобин методи асосида ишловчи бригадаларда меҳнат унумдорлиги 35 процент, оддий бригадаларда эса атиги 11 процент кўпайганлиги диққатга сазовордир. Бу эса ишларни ташкил этишнинг яхши самара берган шу формасини бутун чоралар билан ривожлантиришимиз кераклигидан яққол далолат бериб турибди.

Қурилишдагина эмас, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формасини халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг жорий этиш лозим. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Касаба союзларининг XVII съездидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек, ишнинг бу формаси партиямизнинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий стратегиясига тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

Қурувчиларнинг ишини муносиб баҳолаш билан бирга, бу муҳим соҳада ҳали ҳам жиддий камчиликлар тугатилмаганини, фойдаланилмаётган катта-катта резервлар ва имкониятлар борлигини айтиб ўтмоқ керак. Кўпгина қурилиш трестлари ва бошқармалари қурилиш-монтаж ишлари планларини уддаламаяптилар, объектларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминламаяптилар. Планларни товар-қурилиш маҳсулотининг умумий ҳажми юзасидан бажариш бир меъёрда эмаслиги қурилишдаги катта иллатдир. Қурилиш министрлиги (ўртоқ Омеров), Қишлоқ қурилиши министрлиги (ўртоқ Ражабов), Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги (ўртоқ Қаюмов), «Главташкентстрой» (ўртоқ Набиев), Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги (ўртоқ Жўрабеков) биринчи квартал учун ҳаддан ташқари камайтирилган планлар олишди. Бу — нотўғри, зарарли планлаштиришдир, чунки йил топшириқларини бажаришнинг бутун оғирлиги сўнгги кварталга тўғри келиб қолади. Бу эса штурмчиликка, ишларнинг сифати пасайишига олиб боради.

Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ва баъзи қишлоқ районларида меҳнаткашлар қурилишнинг, айниқса уй-жойларнинг сифати хусусида кўп шикоят қилаётганликларига ҳам Леонид Ильич Брежнев бизнинг эътиборимизни мутлақо ҳақли равишда қаратиб ўтди. Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш, социал-маданий-маиший объектлар қуриш —жуда муҳим социал-иқтисодий проблемадир. Бу проблемани ҳал этишдаги камчиликлар кадрларнинг қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда, одамларнинг кайфиятига ва оқибат натижада уларнинг ишига салбий таъсир қилмоқда.

Уй-жой ва маданий-маиший қурилишдаги муваффақият аввало уйсозлик комбинатларининг бир маромда ишлашига, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланишига боғлиқ. Ҳолбуки, ўтган йили Самарқанд уйсозлик комбинатининг лойиҳа қувватларидан атиги 48 проценти, Гулистон уйсозлик комбинати қувватларидан 47 проценти, Нукус комбинатининг қувватларидан атиги 31 проценти фойдаланилди. Уйсозлик комбинатларининг қониқарсиз ишлаши оқибатидагина тўрт юз минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой битмай қолди.

Партия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг, уйсозлик комбинатларининг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари уйсозлик комбинатларининг ишини яхшилаш учун зарур чораларни кўришлари, уларни жуда яқин вақт ичида лойиҳа қуввати даражасига кўтаришлари, ўз ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашлари керак.

Объектларни материаллар ва конструкциялар билан ўз вақтида таъминлаш иши қониқарли эмас. Республика Госснаби ҳамда министрликлар ва идораларнинг таъминот ташкилотлари объектларни машина-ускуналар ва фонддаги материаллар билан комплектлаш масалаларини унчалик оперативлик ва изчиллик билан ҳал этмаяптилар.

Ажратилаётган фондларнинг тўла-тўкис реализация қилиниши устидан, айниқса транзит тарзда етказиб бериладиган материаллар устидан контролликни кучайтириш, уйсозлик комбинатларини, йиғма темир-бетон ва металл конструкциялари заводларини цемент, металл билан, бошқа ҳамма материаллар билан гарантияланган тарзда таъминлаш лозим. Республика бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналари ишини тубдан яхшилаш зарур. Яхши бинокорлик материаллари кўпроқ бўлса — шинам ва кўркам уй-жой бинолари, архитектура ансамбллари, болалар боғчалари ва мактаблар, клублар ва маданият уйлари ҳам кўпроқ бўлади.

Ишлаб чиқарувчи кучларни янада ўстириш, республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планларининг муваффақиятли бажарилиши капитал қурилишга боғлиқ. Бу иш партия ташкилотларининг зўр диққат-эътибор беришларини, мазкур тармоққа раҳбарликни кучайтиришларини талаб қилади.

Ўртоқлар! Ерларни кенг миқёсда мелиорациялаш ва химиялаш, илғор технология ва комплекс механизацияни жорий этиш асосида республика қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари юксак суръатлар билан узлуксиз ривожланиб бормоқда.

Ўнинчи беш йилликда тўққизинчи беш йилликка нисбатан ялпи дон ҳосили 2,3 баравар, пахта ҳосили 16,5 процент ёки 4 миллион тонна, картошка ҳосили 17 процент, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳосили 2,5 баравар, гўшт 30 процент, сут 42 процент, тухум 65 процент кўпайди.

Ўн биринчи беш йиллик ҳам яхши бошланди. Унинг биринчи йилида 6 миллион тоннадан кўпроқ пахта, 2,8 миллион тонна дон, 5,2 миллион тонна мева ва сабзавот етиштирилди. Чорвачилик маҳсулотлари, каноп, тамаки, пилла етиштириш ва давлатга сотиш планлари ошириб бажарилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтиришнинг асосий қисми ҳосилдорликни ошириш ҳисобига олинмоқда. Чунончи, пахта ҳосилдорлиги ўнинчи беш йилликда 5 центнер кўтарилди ва ялпи пахта ҳосилини кўпайтиришнинг 70 проценти шу йўл билан олинди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида бундай деб уқтирди: «Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи—пахтачилик соҳасида Ўзбекистоннинг муваффақиятлари ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Бу соҳада айтадиган гапим кўп: кейинги икки йил мобайнида Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозлари йилига 6 миллион тонна ва ундан ҳам кўпроқ қимматбаҳо хом ашё териб олмоқдалар! Давлатга алоҳида қимматли ипак пахта сотиш беш йил мобайнида бир ярим баравар кўпайди. Сизлар мамлакат учун, ҳар бир совет кишиси учун муҳим бўлган катта иш қиляпсизлар».

Бу ғоят юксак баҳо мамнуният ва қувонч туйғусини уйғотади. Шу билан бирга у қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, пахта етиштиришни муттасил кўпайтириш учун масъулиятимизни оширади.

Республика пахтакорлари, барча меҳнаткашлари ўз интернационал бурчини бажариб, ялпи пахта ҳосилини йилдан йилга кўпайтирмоқдалар. Ўтган 20 йил мобайнида республикамиздаги пахтазорлар атиги 20 процент кенгайган бўлса ҳам, пахта ҳосилдорлиги икки баравар кўпайди. Бу — пахтачилик юксак даражада интенсивлашганлигининг далилидир. Шу вақт ичида ингичка толали пахта етиштириш қарийб олти баравар кўпайиб, 1981 йилда уч юз саксон етти минг тоннага етди.

Муваффақиятларни қайд этиш билан бирга, Леонид Ильич Брежнев ҳақли равишда уқтириб ўтганидек, ҳали пахтачиликда бирталай резервлар бор. Ҳосилдорликни ошириш эса бу резервларнинг энг муҳимидир. Бултур юздан кўпроқ хўжалик гектар бошига 20 центнердан камроқ ҳосил олди. 23 та район, 275 та колхоз ва совхоз ёки жами хўжаликларнинг тўртдан бир қисми, беш минг олти юздан ортиқ бригада пахта тайёрлаш планини бажара олмади. Бундай хўжаликлар Қорақалпоғистон АССРда, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Наманган областларида жуда кўп. Улар қарийб 150 минг тонна пахтани кам берди. Биз барча хўжаликлар, ҳамма бригадалар планларини ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари учун энг кескин чораларни кўришимиз лозим.

Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб ўтганидек, биз тайёрланаётган пахтанинг сифатини оширишга алоҳида эътибор беришимиз керак. Ҳатто энг қулай келган 1980 йилда ҳам пахтанинг атиги 58 проценти, ўтган йили эса бори-йўғи 46 проценти биринчи сортлар билан тайёрланганлиги бизни жиддий ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Ғўза парвариши ва ҳосил теримини комплекс механизациялаш — пахтачиликни янада ривожлантиришнинг асосий йўлидир. Вазифа машина терими технологиясини ҳар томонлама такомиллаштиришдан, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилишдан ва шу асосда пахтанинг сифати юксак бўлишига эришишдан иборат.

Алмашлаб экишни ўзлаштиришни тезроқ ниҳоясига етказиш пахта етиштиришни янада кўпайтириш ва унинг сифатини оширишнинг катта резервидир. Афсуски, бир қанча областларда бу иш ўринсиз равишда чўзиб юборилди.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органлари ҳар бир хўжаликда алмашлаб экишнинг ўзлаштирилишини синчиклаб текшириб чиқишлари, келгуси йили алмашлаб экишни тўла-тўкис жорий этиш учун колхоз ва совхозларга амалий ёрдам беришлари керак.

Пахта етиштиришнинг илғор Тошкент технологиясини ҳамма жойда жорий этиш талаб қилинади. Бунинг учун агротехникани бутун чоралар билан такомиллаштириш, комплекс механизациялашни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик техникасидан юксак унум билан фойдаланишни таъминлаш лозим.

Шу муносабат билан пахтачиликни замонавий техника билан таъминлаш, унинг пишиқ-пухталигини ва сифатини ошириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Биз машинасозларимиздан қувватларини доимо кўпайтиришларини, замонавий машина-механизмлар, янги тракторлар, пахта териш комбайнлари ишлаб чиқаришни жадаллаштиришларини, колхоз ва совхозларга машина етказиб бериш планларини ҳеч сўзсиз бажаришларини кутамиз.

Ерларни ирригация ва мелиорациялашни янада ривожлантириш, сув таъминотини ошириш пахтачилик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Сув хўжалиги ташкилотларимиз бунинг учун кўп иш қилмоқдалар. Улар йил сайин капитал қурилишда юксак натижаларга эришмоқдалар, ирригация системаларини ишлатишни яхшиламоқдалар, экинзорларга сувни ўз вақтида чиқариб беришга интилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбатда ўртоқ Л. И. Брежнев суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш соҳасида бизнинг республикамизни ибрат қилиб кўрсатди. Бу эса бизнинг зиммамизга суғориладиган ерларнинг самарадорлигини ошириш масалалари билан янада чуқурроқ шуғулланиш мажбуриятини юклайди.

Ҳолбуки, бу ишда бир қанча ишкалликлар бор. Суғориладиган ерларни талон-торож қилишнинг ҳар қандай фактларига муросасизлик вазиятини вужудга келтириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш керак.

Ариқ ва зовурлар системасидан фойдаланишнинг яхши йўлга қўйилиши суғориладиган ерларда муваффақиятли деҳқончилик қилишнинг асосидир. Сув ресурслари етишмаслиги тобора кучайиб бораётган бир шароитда, биз сувнинг ҳар мисқолини тежашимиз керак бўлган бир пайтда бундай иш айниқса муҳимдир. Вазифа ҳар кубометр обиҳаёт ҳисобига имкони борича кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти олишдан иборат. Сувнинг шимилиб кетишига қарши самаралироқ курашиш, ирригация системаларидан яхшироқ фойдаланиш, хўжаликлар ичидаги каналларни ёпиқ қувурлар ва новлар билан алмаштириш, автоматлаштириш ва телемеханикани дадилроқ жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳаракат қилиш лозим.

Ўн биринчи беш йилликда республика сув хўжалиги қурилиши соҳасида катта-катта вазифаларни ҳал этиш керак. Бу ишга олти миллиард сўмдан кўпроқ пул ажратилади. 485 минг гектар янги ер ўзлаштирилиши лозим. Бир қанча сув омборлари ва каналларни қуриб битказиб, катта-катта насос станцияларини қуриш белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча сув хўжалиги ташкилотларининг фаолиятини тағин ҳам юқори поғонага кўтариш, план интизомига қаттиқ риоя этиш, капитал маблағнинг сочилиб кетишига йўл қўймаслик, меҳнат ва моддий-техника ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланиш керак.

Пахтачиликни юксалтиришда химиялашнинг роли жуда катта. Минерал ўғитлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ўғит, гербицид ва бошқа химиявий дориларнинг юксак самарадорлигига сабот билан эришиш зарур.

Ҳосилни касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг биологик методларини қўлланишни кенгайтириб, шу тариқа заҳарли химикатлар ишлатишни жуда камайтириш лозим.

Селекция ва уруғчилик, ғўзанинг серҳосил янги навларини яратиш соҳасидаги ишларни янада яхшилаш пахта етиштиришни кўпайтиришнинг, унинг сифатини оширишнинг зарур шартидир. Вазифа — ингичка толали навлар учун биринчи-иккинчи типларга, ўртача толали навлар учун эса камида тўртинчи-бешинчи типларга мансуб камида 36—40 процент тола ажратиб олинадиган мўл ва тезпишар ҳосил берадиган, вилтга ғоят чидамли ғўза навларини етиштиришдан иборат.

Республика Фанлар академияси, СоюзНИХИ, пахта селекцияси ва уруғчилиги институти, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими селекциячиларнинг куч-ғайратларини бирлаштириши, уларнинг бутун диққат-эътиборини янги маҳсулдор навлар етиштиришга ва районлаштиришга қаратиши керак.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан Пахта тозалаш саноати министрлиги олимларни жалб этиб, пахта уруғчилиги соҳасидаги ишни кучайтириши, уруғлик чигит тайёрлаш технологиясини такомиллаштириши, асосан биринчи класс уруғлик тайёрлаши зарур. Ҳамма уруғликлар стимуляторлар билан дориланиши, махсус моддалар шимдирилган уруғлик тайёрлаш ҳажмини кескин кўпайтириш лозим.

Пахтанинг сифати оширилиши, унинг асралиши ва қайта ишланиши пахта тозалаш саноатига боғлиқ. Аввало, тайёрлов тармоғининг фаолиятини яхшилаш, қуритиш-тозалаш цехларининг қувватини ошириш талаб қилинади. Бир юз ўн олтита тайёрлов пунктида бундай цехлар умуман йўқ. Натижада пахта яхшилаб қуритилмай туриб ғарамга босиб юборилмоқда, бу эса сортнинг пасайишига, беҳуда нобудгарчиликларга олиб бормоқда.

Биз бу аҳволни яхшилашимиз керак. Пахта тозалаш саноати министрлиги республиканинг барча колхоз ва совхозларидан келтириладиган пахтани бригадама-бригада қабул қилишга ўтиш ишини жадаллаштириши, Қишлоқ хўжалиги министрлиги эса топшириладиган пахтанинг юқори сифати учун рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқиб жорий этиши лозим.

Барча тайёрлов пунктларида қуритиш-тозалаш цехлари қуриш, машинада терилган пахта топширилаётган пайтда уларнинг кечаю кундуз ишлашини таъминлаш зарур.

Ажратиб олинадиган толанинг сифати, пахтадан чиқадиган тола процентини ҳам муҳим масаладир. Кейинги беш йил мобайнида бир қанча областларда тола ажратиб олиш камайди. Бунинг сабаби шуки, пахтани асрашни ташкил этишда камчиликларга йўл қўйилмоқда, пахтани қайта ишлаш муддатлари чўзиб юборилмоқда. Шу кунгача пахта тозалаш саноати корхоналари пахта асраш омборлари билан атиги уч процент таъминланган. Натижада пахта узоқ вақтгача очиқ ҳавода сақланмоқда, сорти пасаймоқда, бузилиб қолмоқда.

Бизнинг вазифамиз — пахта тозалаш саноатини тезроқ ривожлантиришдан, ишлаб чиқариш қувватлари ва омборларни зудлик билан қуриб ишга туширишдан иборат. Биз яқин йиллардаёқ пахтани қайта ишлашни тўрт-беш ой ичида тугаллашга ва пахтани очиқ ҳавода сақламасдан, балки тола ва чигитни омборларда сақлашга эришишимиз керак.

Ҳосилдорликни кўтаришдан, пахта етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашдан пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш пахта етиштиришни кўпайтириш учун катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳамма жойдаги пахтачилик бригадалари ва звеноларини меҳнатни нарядсиз ташкил этишга ва пировард натижа учун ҳақ тўлашга ўтказиш лозим.

Партия ташкилотлари пахта сифатини ошириш учун курашни кучайтиришлари, бу ишда колхозларнинг, совхозларнинг, бригадаларнинг ҳамда тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводларининг масъулиятини оширишлари керак.

Дон етиштиришни кўпайтириш энг муҳим вазифалардан биридир. Ўтган йили Қорақалпоғистон АССР ва ҳамма областлар давлатга дон сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Бу йил дон етиштиришни уч ярим миллион тоннага, беш йиллик охирига борганда беш миллион тоннага етказиш лозим.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун арпа, буғдой, шоли, маккажўхори ҳосилдорлигини кўтариш, барча областларда ва хўжаликларда муттасил мўл ҳосил олинишини таъминлаш зарур. Лалмикор ерларда бошоқли экинларнинг барқарор ҳосилдорлигига эришиш, суғориладиган ерларда гектар бошига 45—50 центнер дон олиш тадбирларини ишлаб чиқиш керак.

Республикамизда шоликорлик яхши ривожланмоқда. Бултур 517 минг тонна, шу жумладан Қорақалпоғистон АССРда салкам 310 минг тонна ва Хоразм областида 100 минг тоннадан зиёд шоли ҳосили олинди. Республика шоликорлари бу йил камида беш юз эллик минг тонна дон етиштиришга сўз бердилар. Бунинг учун ҳосилдорлик гектар бошига 60—70 центнер бўлишини таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» бутун шоликорликни инженерлик системаларига кўчириш тадбирларини кўришлари керак. Ҳосилни сентябрь — октябрдаёқ батамом йиғиштириб олиш учун шоли эрта экилиши таъминлансин.

Маккажўхори — дон етиштиришни кўпайтиришдаги бош резервдир. Кўпгина областлар, районлар шу қимматли экинни етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўнинчи беш йиллик мобайнида маккажўхорининг ўртача ҳосилдорлиги Самарқанд областида гектар бошига 83 центнер, Сурхондарёда 74, Бухоро, Тошкент ва Хоразм областларида 70 центнердан бўлди. Сирдарё, Фарғона ва Жиззах областларида эса гектар бошига 60 центнердан камроқ ҳосил олинди.

Маккажўхори экиладиган майдонларни уч юз минг гектарга, унинг ҳосилини эса икки миллион тоннага етказиш — партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифасидир. Ҳосилдорликни гектар бошига саксон центнерга кўтариш зарур. Республикамизда ихтисослаштирилган маккажўхорикорлик совхозлари барпо этилди. Бу хўжаликлар маҳорат ва илғор тажриба мактаби бўлиб қолиши, гектар бошига камида юз центнер ҳосилдорликка эришиши керак.

Комсомолимиз Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистон ёш маккажўхорикорларига яқинда йўллаган мактубида берилган йўл-йўриқлар ва тавсияларга амал қилиб, қишлоқ хўжалигининг мана шу муҳим тармоғига анъанавий оталик қилишни кучайтириши, бу соҳага ёшларни, ёш мутахассисларни юбориб туриши, уларни маккажўхорикорлик касбига муҳаббатли қилиб тарбиялаши, мўл ҳосил миришкорларининг тажрибаси билан қуроллантириши лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси — республика комсомоли учун катта шараф ва ишончдир. Биз ҳам бунга жавобан мўл маккажўхори ҳосили етиштиришимиз, янги шонли ишлар қилишимиз керак.

Республика боғбонлари билан сабзавоткорлари мамлакатнинг озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Шу билан бирга, мева-сабзавот маҳсулоти тайёрлаш ва Умумиттифоқ фондига етказиб бериш топшириқлари анча ошириб бажарилаётганига қарамай, бу тармоқда ҳали ҳам катта-катта резервлар бор.

Ўтган йили кўпгина хўжаликлар гектар бошига эллик центнердан камроқ картошка, юз центнердан камроқ сабзавот, 75 центнердан камроқ полиз маҳсулотлари олдилар. Беш юзга яқин колхоз ва совхознинг мева-узум ҳосилдорлиги паст бўлди.

Бир қанча областларда бу иш сусайтириб юборилди, сабзавот экинзорларини кўпгина хўжаликларга тақсимлаб юборишга йўл қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари область партия ва совет органлари билан биргаликда мева-сабзавотчиликни янада ихтисослаштириш масалаларини кўриб чиқиб, бу ишни асосан яқин икки-уч йилда тугаллашлари зарур. Аграр-саноат интеграцияси бутун чоралар билан чуқурлаштирилиши керак.

Бу йил ҳамма категориялардаги хўжаликларда мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни олти миллион тоннага етказиш, колхоз ва совхозларда сабзавот ҳосилдорлигини гектар бошига 350—400 центнерга, картошка ва полиз маҳсулотлари ҳосилдорлигини 200 центнерга ва узум ҳосилдорлигини 150—200 центнерга етказиш зарур.

Сабзавот экинларига, боғ ва токзорларга ажратилган ерлардан фойдаланишни кескин яхшилаш, теплицаларда, ёпиқ траншеяларда ва пленка ёпилган очиқ ерларда сабзавот экинлари ҳамда цитрус мевалар етиштиришни бутун чоралар билан ривожлантириш лозим.

Сабзавот ва мева тайёрлашни, асраш ва қайта ишлашни, бутун йил бўйи аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш жуда муҳим вазифадир. Ишлаб чиқарилаётган консерва, қуритилган мева, майиз ва вино турларини кўпайтириш ҳамда сифатини ошириш лозим. Ҳозирча бу ишнинг даражаси меҳнаткашларнинг ошиб бораётган эҳтиёжларига жавоб бермайди.

Ўртоқлар! Республика партия ташкилоти чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида катта иш қилмоқда. Ҳамма турдаги чорва туёғи ва паррандалар кўпаймоқда, уларнинг маҳсулдорлиги ўсмоқда, улардан насл олиш кўпаймоқда. 1981 йилда республика гўшт ва сут етиштиришни 1980 йилга нисбатан 7 процент, тухум етиштиришни 9 процент кўпайтирди. Ҳар йили кўпдан кўп фермалар, комплекслар ва паррандачилик фабрикалари ишга туширилмоқда.

Кўпгина партия комитетлари, совет органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари қишлоқ меҳнатчиларининг куч-ғайратларини чорвачиликни жадал ривожлантиришга, қўшимча резервларни қидириб топишга моҳирона сафарбар этмоқдалар. Тошкент, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё областларининг, Калинин, Конимех, Ленин йўли ва бошқа бир қанча районларнинг чорвадорлари биринчи кварталини яхши тугалладилар. Улар 1981 йил биринчи кварталига нисбатан маҳсулотнинг 20 — 25 процент ва ундан ҳам ортиқ кўпайишини таъминладилар.

Аммо биз чорвачиликни ривожлантиришда эришилган суръатлар ҳали аҳолининг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларига, замонавий ишлаб чиқаришнинг катта имкониятларига мувофиқ эмаслигини равшан англаб турибмиз. Ҳали ҳам кўпгина хўжаликлар ва районларда чорвачиликни ривожлантиришга етарли аҳамият берилмаяпти. Шу йилнинг биринчи кварталида колхоз ва совхозларнинг 15 проценти гўшт, 26 проценти сут тайёрлаш планини бажармади. Бундай хўжаликлар Фарғона, Сирдарё ва бошқа баъзи областларда айниқса кўп.

Область партия ва совет органлари министрликлар ҳамда идоралар билан биргаликда ҳар бир колхоз, совхоз қорамол ва қўй-эчкилар туёғини, паррандаларни. Чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотлари етиштирилишини йилдан йилга кўпайтириб боришига эришишлари зарур. Барча корхона ва ташкилотларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш, аҳолининг шахсий хўжаликларида чорвачиликни бутун чоралар билан ривожлантириш керак. Қашқадарё, Бухоро ва Тошкент областлари хўжаликларининг чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги тажрибасини, Сурхондарё области хўжаликларининг далачилик бригадаларида чорва молларни боқиб семиртириш ташаббусини кенг миқёсда оммалаштириш муҳимдир. Биз республика аҳолисининг гўшт, сут маҳсулотларига тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришимиз керак.

Чорва ва парранда маҳсулдорлигини бутун чоралар билан ошириш, қўйчилик, паррандачилик, чўчқачиликни ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини, шунингдек балиқчиликни жадал ривожлантириш зарур. Биз илм-фан аҳлларидан селекция соҳасидаги ишларни кескин кучайтиришларини, наслчилик ишини яхшилашларини кутамиз.

Мустаҳкам ем-хашак базаси — чорвачиликни ривожлантиришнинг негизидир. Бироқ, бизда ем-хашак етиштириш соҳасида мавжуд бўлган ҳамма имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Бултур республиканинг 35 та районида беда пичанининг ҳосилдорлиги гектар бошига 120 центнердан камроқ бўлди, 166 та колхоз ва совхозда 70 центнерга ҳам етмади. Ҳар уч районнинг бирида силос учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги атиги 250 центнерни ташкил этди.

Бизнинг ерларимиз эса анча юқори ҳосил бериши мумкин ва лозим. Беда пичани ҳосилдорлигини гектар бошига 200—220 центнерга, силосбоп экинлар ҳосилдорлигини 400—500 центнерга, озуқабоп илдизмевалар ҳосилдорлигини 1000 центнерга етказиш зарур. Ҳар бир хўжаликда хўжалик ҳисобида ихтисослаштирилган ем-хашак бригадалари ташкил этиб, уларнинг меҳнатига пировард натижалар учун рағбатлантирувчи ҳақ тўланиши, молга бериш учун ем-хашакни яхшироқ тайёрлаш ва унинг сарфини ҳисобга олиш йўлга қўйилиши зарур.

Биз чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни Марказий Комитетнинг XIV пленумида батафсил муҳокама қилдик. Бу жуда муҳим иқтисодий ва социал проблемани комплекс ҳал этиш тадбирлари ишлаб чиқилди ва қабул этилди. Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги учрашувда сўзлаган нутқида бу тармоқда белгиланган тадбирларни маъқуллади.

Эндиги вазифа шу тадбирларни сабот билан турмушга татбиқ этишдан ва шу асосда бу беш йилликда гўшт, сут ва тухум етиштиришни икки баравар кўпайтиришни таъминлашдан, ҳар йили чорвачилик маҳсулотини камида йигирма процент кўпайтиришга эришишдан иборат.

Қишлоқ раҳбарларига ва барча меҳнатчиларига, Леонид Ильич айтганидек, пахта етиштиришга нақадар масъулият, меҳр-муҳаббат билан қаралаётган бўлса, чорвачиликка нисбатан ҳам мана шундай муносабатни сингдириш керак. Биз ўзимизнинг бутун ташкилотчилик, сиёсий ва хўжалик ишимизни шу вазифани ҳал этишга, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга қаратишимиз керак. Шундай қилган тақдирдагина биз ҳозир ишлаб чиқилаётган ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида тасдиқланадиган озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга республиканинг ҳиссасини муттасил кўпайтиришга эриша оламиз.

Озиқ-овқат проблемасини тубдан ҳал этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган ва КПСС XXVI съезди маъқуллаган вазифалар барча раҳбар кадрларга, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг мутахассисларига нисбатан янги, янада юксак талаблар қўяди.

Партия бизнинг эътиборимизни қишлоқ хўжалик кадрларини меҳрибонлик билан ўстириш, тарбиялаш ва уларни авайлаш, колхоз раисларининг, совхоз директорлари ва хўжалик мутахассисларининг тез-тез алмаштирилаверишига йўл қўймаслик зарурлигига қаратмоқда.

Область, район партия комитетлари, совет органлари колхоз ва совхозларни юқори малакали, ғоявий етук раҳбар ва мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш ишини қатъият билан яхшилашлари, раҳбарлар ва мутахассисларнинг обрў-эътиборини, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ролини оширишга, хўжалик юритиш услуби ва методларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Раҳбарлар ва мутахассислар ишидаги ташаббускорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш, партия ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш учун, план, молия ва технология интизомига риоя этилиши, ҳар бир колхоз ва совхознинг фаолиятини яхшилаш учун уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш зарур.

Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи бошқарма органларидан ва ташкилотлардан бевосита ишлаб чиқаришдаги амалий ишга ўтиш истагини билдирган мутахассисларнинг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Шу жиҳатдан олганда, Тошкент ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институтларини, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини ҳамда Андижон пахтачилик институтини битириб чиқиб, колхоз ва совхозларда бригадир, зоотехник, инженер ва бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлашга қарор берган мутахассисларнинг ташаббуси катта аҳамиятга эгадир.

Студентлар, бошқарув аппаратларида, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлаб турган қишлоқ хўжалиги мутахассислари бу ташаббусни қўллаб-қувватлашларига аминмиз. Партия, совет, қишлоқ хўжалиги, касаба союз ва комсомол органлари бу ишнинг ниҳоятда муҳимлигини корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг коллективларида кенг миқёсда тушунтириб беришлари керак.

Ўртоқлар! Партия меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг даромадлари муттасил кўпайиб бормоқда. Уй-жой қурилиши юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат, соғлиқни сақлашни яхшилаш ва янада ривожлантириш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга республика аҳолисига хизмат кўрсатиш даражаси ҳозирги замон талабларига тўла-тўкис жавоб бера олмайди, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмайди. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш корхоналари, омборлар, музхоналар тармоғи суст кенгаймоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳали кўпгина камчиликлар бор.

Партия ташкилотлари, совет органлари, касаба союзлари ва комсомол, тегишли министрликлар ҳамда идоралар меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларига — уй-жой қуриш ва уни тақсимлашга, овқатланишга, хизмат кўрсатиш соҳасига, сиҳат-саломатликни муҳофаза қилишга — инсоннинг фаровонлигини ҳам, кайфиятини ҳам белгилаб берадиган ҳамма соҳаларга доимо зўр эътибор беришлари керак.

Республика аҳолисининг турмуш маданиятини янада ошириш масалалари эртага Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида махсус равишда кўриб чиқилиб, бу муҳим социал проблемани ҳал этиш йўллари белгиланади.

Моддий фаровонлик ўсиши билан бирга маънавий турмуш бойиб бормоқда. Леонид Ильич Брежнев ўз нутқида Совет ҳокимияти йилларида ўсиб, вояга етган ўзбек зиёлилари ажойиб илмий кашфиётлар ва инженерлик-техникавий ютуқларга эришиб, гўзал бадиий асарлар яратиб, ўз республикаси ва ўз халқининг шуҳратини оширганликларини зўр мамнуният билан уқтириб ўтди. Бу муваффақиятларга партиянинг доно ленинча миллий сиёсати амалга оширилиши, улуғ рус халқи билан, кўп миллатли Ватанимиздаги барча халқлар билан дўстлик ва қардошлик туфайли эришиш мумкин бўлди.

Кейинги йилларда республикада илм-фанни ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида кўп иш қилинди. Бироқ, турмуш тобора юксак талабларни ўртага қўймоқда. Илмий кашфиётларни ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасидаги фаолиятни баҳолашга шу позицияларда туриб ёндашадиган бўлсак, бу муҳим ишда ҳали камчиликларимиз борлигини тан олишга тўғри келади.

Халқ хўжалигига топширилаётган илмий лойиҳаларнинг ярмидан сал кўпроғи ишлаб чиқаришга жорий этилаётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бунинг учун олимларгина эмас, улар билан бирга министрликлар, идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари ҳам масъулдирлар, уларнинг кўплари фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишда сусткашлик ва консерватизмни ҳамон бартараф эта олганлари йўқ.

Ҳозир ижтимоий ишлаб чиқаришни илм-фансиз, илғор техникасиз ривожлантириб бўлмайди, унинг самарадорлигини ошириб бўлмайди. Республика Фанлар академияси бошчилигидаги илмий-тадқиқот муассасалари, Госплан, министрликлар ва идоралар биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан амалдаги мустаҳкам интеграциясини таъминлашлари лозим. Партия ташкилотлари эса фан-техника революцияси натижасида юзага келаётган жамики янги, илғор усуллар дарҳол халқ хўжалигига жорий этилиши устидан қатъий контроллик ўрнатишлари керак.

Бизнинг халқ маорифини, олий ва ўрта махсус таълимни, ҳунар-техника билим юртлари системасини ривожлантиришдаги муваффақиятларимиз катта ва шак-шубҳасиздир, Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган мутахассисларнинг катта проценти олий маълумотли мутахассислардир. Бизда ишчилар синфи сон жиҳатдан анчагина ўсди, унинг ёш ўринбосарларини тайёрлаш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Леонид Ильич Брежнев бу ишни муносиб равишда баҳолади ва мана шу ғоят муҳим соҳада бизга янги муваффақиятлар тилади.

Юқори малакали мутахассис кадрлар — катта маънавий кучдир, шу кучдан омилкорлик билан фойдаланиш лозим:

Бироқ, ўртоқлар, халқ хўжалигида мутахассис кадрлар жуда кўп бўлишига қарамай, раҳбар лавозимларнинг 23 процентдан кўпроғини ва мутахассис лавозимларининг 14 процентини практик ходимлар эгаллаб турганлигини нормал бир ҳол деб бўладими, ахир. Ҳар йили олий ўқув юртларини ва техникумларни битириб чиқаётган кўпгина кишилар белгиланган иш жойига бормаяптилар. Мутахассислар тайёрлаш дуруст ҳисобга олинмаслиги ва яхши планлаштирилмаслиги оқибатида бир хил тармоқларда мутахассислар ортиқча бўлса, бошқа тармоқларда етишмаяпти.

Республика Госплани, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети бу масалани пухта ўрганиб чиқишлари, халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ равишда мутахассислар тайёрлашнинг аниқ системасини ишлаб чиқишлари, шу кадрлардан фойдаланилиши устидан қаттиқ контроллик ўрнатишлари зарур.

Ёш ишчиларни тайёрлаш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш масалалари 28 апрель куни республика ҳунар-техника таълими активларининг йиғилишида махсус равишда кўриб чиқилади.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ёш мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялаш билан жиддий равишда шуғулланишлари, уларга юқори унум билан меҳнат қилиш, ўқишни давом эттириш, профессионал жиҳатдан ўсиш, яшаш ва дам олиш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ўртоқлар! Леонид Ильич Брежневнинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар, унинг тавсиялари ва йўл-йўриқлари республика партия ташкилоти турмуши ва фаолиятининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади, ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг бутун мазмунини белгилайди, бу ишни янада такомиллаштиришнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилади.

Республикада ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифаларни кенг миқёсда пропаганда қилиш ва тушунтириш ишлари қизғин тус олди. Корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, муассаса ва ўқув юртларида лекциялар, докладлар ўқилмоқда, суҳбатлар ўтказилмоқда, ҳамма жойда ягона сиёсий кун ўтказилди. Сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасида, коммунистик меҳнат мактабларида, халқ университетларида навбатдаги машғулотлар ўртоқ Л .И. Брежневнинг нутқларини ўрганишга бағишланди.

Мана шу ишларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг юксак сиёсий активлиги вазиятида ўтмоқда. Улар мамлакатдаги ва халқаро майдондаги ишларнинг аҳволига жуда қизиқиб қарамоқдалар, кўпдан-кўп саволлар бермоқдалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларидаги ишларни янада яхшилашга оид конкрет таклифлар айтмоқдалар. Партия ташкилотларининг вазифаси шу саволлар ва таклифларни синчиклаб ўрганиб ва умумлаштириб, энг қимматли таклифларни амалий ишларга татбиқ қилишдан иборат.

Партия ташкилотлари партия XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир қарорларини бажара бориб, сиёсий-тарбиявий ишни анча яхшиладилар. Оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг ҳамма форма ва воситалари — партиявий пропаганда, лекция, оммавий-сиёсий иш, матбуот, телевидение ва радио ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятининг бирлигини, тарбия ишига комплекс ёндашишни таъминлашга қаратилган.

Меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни партия билан халқнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга, юксак совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм туйғуларини шакллантиришга партия ташкилоти катта эътибор бермоқда. Бу ишнинг самарали натижалари республика меҳнаткашларининг асримиз энг катта қурилишларида — Тюмень нефть ва газ ресурсларини ўзлаштиришда ва БАМ қурилишида, Нокоратупроқ ўлкани ривожлантириш комплекс программасини рўёбга чиқаришда, Ангола, Мозамбик, Афғонистон халқларига янги турмуш қуришда ёрдам беришда шахсан қатнашишга интилаётганликларида намоён бўлмоқда. Леонид Ильич Брежнев уқтириб ўтганидек, бу — гражданлик интернационал тарбиянинг ажойиб мактабидир.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашни янада такомиллаштиришлари, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашлари ҳамда ривожлантиришлари керак. Шонли юбилей — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик ишлари бунинг учун яхши имкониятлар очиб беради.

Республиканинг ҳамма муваффақиятлари ленинча миллий сиёсат принциплари муттасил рўёбга чиқарилаётганлиги билан боғлиқ эканини меҳнаткашларга ҳар томонлама тушунтириш зарур. Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб ўтганидек, Совет Ўзбекистони СССРдаги барча қардош халқлар билан доимо ёнма-ён туриб, бузилмас бир сафда бўлганлиги туфайлигина ўтмишдаги қолоқликдан шу қадар тез юксакликка кўтарила олди ва ҳар тарафлама ривожланган, гуллаб-яшнаб турган республикага, Шарқдаги энг илғор давлатлардан бирига айлана олди.

Совет турмуш тарзини шакллантириш, ҳар томонлама уйғун камол топган шахсни вояга етказиш, аҳолининг меҳнат ва турмуш маданиятини ошириш, янги совет урф-одатлари ва удумларини кенг жорий этиш, атеистик тарбияни кучайтириш одамлар онги ва хулқ атворидаги ўтмиш сарқитларига, буржуа идеологиясига қарши курашни кучайтириш республика партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидир. Жисмоний тарбияни ва спортни бутун чоралар билан ривожлантириш, уни аҳоли барча қатламларининг кундалик турмушига сингдириб юбориш зарур.

Республикада адабиёт ва санъат чинакам равнақ топди. Истеъдодли ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, театр ва кино арбобларининг ажойиб авлоди ўсиб етишди. Улар яратган кўпгина ёрқин асарлар совет кўп миллатли маданияти хазинасидан ўрин олди. Барча қардош халқлар маданиятининг ютуқлари республикамиз меҳнатчиларининг маънавий турмушини бойитмоқда. Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент адабиёт ва санъат арбобларининг энг катта жаҳон анжуманлари ўтказиладиган жой бўлиб қолди. Тез орада Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг еттинчи кинофестивали ўтказилади.

Ҳаммамизнинг азизимиз — Леонид Ильичнинг Тошкентга келиши, республиканинг учинчи Ленин ордени билан мукофотланиши санъаткор зиёлиларимизга янги илҳом бахш этишига, улуғ давримизга муносиб янги-янги асарларда ўз ифодасини топишига шак-шубҳа йўқ.

Ўртоқлар! Биз ҳаммамиз Леонид Ильич Брежневнинг ютуқларимизга, республика партия ташкилотининг фаолиятига юксак баҳо берганлиги учун ҳаққоний ифтихор туйғуси билан яшаб турибмиз.

Бу баҳо зиммамизга кўпдан-кўп мажбурият юклайди. Аввало олдимизда турган вазифаларни ҳал этишда партия комитетларининг ташкилотчилик ишини янада такомиллаштириш керак. Биз коммунистларнинг активлигини, уларнинг принципиаллиги, ишчанлигини кун сайин кучайтиришимиз, уларнинг ҳар бири намуна бўлиб хизмат қилишига, Ленин партиясининг аъзоси деган юксак номни шараф билан оқлашига эришишимиз лозим.

Область, шаҳар, район партия комитетларининг иш услуби ва методларини сабот билан такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, қабул этиладиган қарорларнинг бажарилиши устидан контролликни кучайтириш, сўз билан ишнинг шак-шубҳасиз бирлигини таъминлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш зарур.

Биз партия ташкилотининг, республика раҳбар кадрларининг составини кўп миллатли эканлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Партия, совет, давлат органлари ходимларининг жуда кўпчилиги юксак сиёсий етуклиги, большевистик принципиаллиги, ўз касб-корини яхши билиши, одамларга нисбатан эътибор ва ҳурмат билан қараши, шахсий камтаринлиги билан ажралиб туради.

Биз кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни бундан буён ҳам такомиллаштириб боришимиз лозим. Хотин-қизларни раҳбар партия, совет ва хўжалик ишига кўтаришга алоҳида эътибор бериш керак. Хотин-қизлар илм-фан, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, санъат соҳасида актив иштирок этмоқдалар. Бироқ, уларнинг энг яхши вакиллари билан раҳбар кадрлар сафини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

Область, шаҳар, район партия комитетлари истеъдодли ва обрўли аёлларни раҳбарлик лавозимларига дадилроқ кўтаришлари, уларнинг ўсишига, ўз қобилиятларини намоён этиш учун ҳамма шарт-шароитларни яратишга доимо ғамхўрлик қилишлари керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев айрим жойларда қоғозбозлик билан раҳбарлик қилиш услуби томир ёя бошлаганидан бизни огоҳлантириб ўтди. Қоғозбозлик кадрларни жонли ишдан чалғитади, одамларни тўғри тарбиялашга имкон бермайди. Қоғозбозлик камроқ бўлсин, омма орасида конкрет ташкилотчилик иши ва сиёсий иш кўпроқ бўлсин, бу — ҳар бир партия комитетининг, ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг фаолиятидаги асосий шиори бўлиб қолиши керак.

Партиявий иш услуби ва методларини такомиллаштириш турли-туман салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтиришни ҳам ўз ичига олади. Бизда ҳали хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, социалистик мулкни талон-тарож қилиш, кўзбўямачилик, порахўрлик, ичкиликбозлик фактлари ва коммунистик ахлоқ нормаларини бошқа тарзда бузиш ҳоллари учраб турганлигига тоқат қила олмаймиз ва тоқат қилмаслигимиз керак.

Маъмурий органлар ҳамон мана шу хунук ҳодисаларни тугатиш соҳасида етарли иш олиб бормаяптилар. Кенг жамоатчиликни, халқ контролини бундай иллатларга қарши курашга отлантириш керак. Биз маъмурий таъсир ўтказишнинг барча чораларидан фойдаланиб жамоатчилик фикрини сафарбар этиб, турли-туман суиистеъмолларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтиришимиз, меҳнаткашларнинг хатлари ва аризаларига сезгирлик ва эътибор билан қарашимиз, совет қонунларининг кучидан тўла-тўкис фойдаланишимиз керак.

Бизнинг сиёсий системамизда, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда халқ депутатлари Советлари муҳим роль ўйнайди. Ҳозир бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловолди кампанияси тобора авж олиб бормоқда. Партия ташкилотларининг вазифаси — бу муҳим тадбирнинг ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак савияда ўтказилишини, шу тариқа халқ ҳокимияти органларига ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг обрўли, илғор вакиллари сайланишини таъминлашдан иборат.

Касаба союзлари ҳозир ижодий куч ва ғайратлари янада жўш урган вазиятда ишламоқдалар. СССР касаба союзларининг XVII съезди, унда Леонид Ильич Брежнев сўзлаган оташин нутқ касаба союзларини кенг ҳаракат программаси билан қуроллантирди. Партия ташкилотлари бу жўшқинликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, касаба союзларининг активлигини оширишлари керак.

Комсомолимиз, шонли ёшларимиз катта воқеа бўсағасида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Республика йигит ва қизлари Ленин комсомолининг Бутуниттифоқ съездига ҳозирлик кўрмоқдалар, бу съезд ёшларнинг қаҳрамонона меҳнатини, жўшқин ғайратини янги жасоратлар ва зафарларга руҳлантиради.

Бутун мамлакат билан бирга республикамиз КПСС Марказий Комитетининг даъватларига биноан зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Серунум меҳнат байрами — ленинча коммунистик шанбалик шу бахтанинг чўққиси бўлди, шанбаликда республика меҳнаткашлари ўзларининг онглиликларини, Ватанга астойдил муҳаббатли ва садоқатли эканликларини намоён қилдилар.

Леонид Ильич Брежнев бизнинг олдимизга катта, кўп қиррали ва масъулиятли вазифалар қўйди. Бу вазифалар область, шаҳар, район партия ташкилотларининг пленумларида ёки актив йиғилишларида, бошланғич партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессияларида, касаба союз советлари ва комитетларининг, комсомол комитетларининг пленумларида муҳокама қилиниши керак. Бу вазифаларни бажаришда халқ контроли органлари жуда актив қатнашишлари лозим. Ўртага қўйилган вазифаларни партия ташкилотимиз, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари бемалол муваффақиятли ҳал эта оладилар.

Бу вазифаларни рўёбга чиқариш учун бутун куч, жами ресурслар, барча мавжуд имкониятлар иложи борича тўла-тўкис сафарбар қилиниши керак. Бунинг учун эса ҳар биримиз ишда камарбаста, уюшқоқ, пухта ва омилкор бўлишимиз лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси Леонид Ильич Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини амалга оширишга доир ташкилий-сиёсий тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу тадбирлар ўртага қўйилган вазифаларни бажариш соҳасидаги бутун ишимизда таянч, жипслаштирувчи негиз бўлиб қолиши керак. Бу тадбирлар сизларга тарқатилган ва ушбу пленум тасдиғига ҳавола этилади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ролини ҳамда масъулиятини янада кучайтиришга кўмаклашишига ишончимиз комил.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташкилий-сиёсий тадбирлари асосида область, шаҳар, район партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиши, шунингдек министрликлар ва идораларда, корхоналарда ва бирлашмаларда ташкилотчилик ҳамда инженерлик-иқтисодий тадбирлар тайёрланиши зарур. Республика Министрлар Совети министрликлар ва идоралардаги бу ишга бошчилик қилиши, тадбирларнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан контроллик ўрнатиши керак.

Ватаннинг олий мукофоти, Ўзбекистон ССРга сурункасига тўққизинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилиши, партия билан ҳукуматнинг доимий ғамхўрлиги республика меҳнаткашларига илҳом бахш этади, янги шонли сафарларга чорлайди, коммунистик қурилиш режаларини амалга ошириш учун курашда уларга янги куч-қувват бағишлайди.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан улуғвор режаларни амалга ошириш учун бундан буён ҳам илҳом билан меҳнат қилаверадилар, ўртага қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар ва шу тариқа СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб партиямиз ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан азиз Леонид Ильич Брежневни ишонтиришга ижозат бергайсизлар, азиз ўртоқлар! **(Ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклади зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди).**

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР — КИНО

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IVда **Кузнинг биринчи куни**, 28/ IV да **Кузнинг биринчи куни**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IV да **Ишонмасанг ўламан.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/IVда **Тақдир эшиги**, 28/IV да **Тақдир эшиги.**

28 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕЙТЕНАНТ КЛИМСВ ҲАҚИДА» — **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

«ГОБИ ВА ХИНГАН ОША» — **Чайка** (13, 16, 20.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 14, 17, 20.00, телефон 46-70-69), **Восток** (11, 14, 17, 20.00, телефон 91-14-61).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Қозоғистон** (11 12, 13, 14, 17, 18, 20.00, телефон 35-24-92).

«АНА ЎША ЙИГИТ ҚАЙТДИ» — **Янгиобод номли** (15, 17, 19, 20.00, телефон 96-36-21).

УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 МАЙ СОАТ 16.00 да, 2 МАЙ СОАТ 13.00 да катта байрам концерти.

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Олмахон ҲАЙИТОВА.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
Гулшод ОТАБОЕВА
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Олимжон ОРИФЖОНОВ.
Бадиий сўз устаси
Ҳасан ИЎЛДОШЕВ.

Солистлар: Нуриддин Ҳайдаров (фақат 2 майда), Гулчеҳра Исмоилова, Ғоштемир Тоҳиров, Султонмурод Самандаров, Малика Шарипова, Мастура Фазлиддинова, Гўзал Баратова, Латофат Пўлатхўжаева.

Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси.
Абдуфаттоҳ САИДОВ.
Оригинал жанри
Саттор ИСМОИЛОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Зуҳра ТЕМИРОВА олиб боради.
«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари—Олмахон Ҳайитова.
Билетлар концерт зали касасида соат 14.00дан сотилади.

УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

2, 3 МАЙ СОАТ 20.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР КУРИГИ — КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ
Ўзбек ашула ва рақс «Шодлик» ансамбли
ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
Ғуломжон ЕҚУБОВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Нарзиддин ШЕРМАТОВ

Солистлар: Бахтиёр ҲОЛХЎЖАЕВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Новвотхон ЖЎРАЕВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.
Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

БИРИНЧИ МАЙ—УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

Бу ёрқин баҳор байрами ҳар кимга яхши кайфият, дўстлар билан учрашув қувончини, қариндош-уруғлар ва яқинларга совғалар улашиш билан боғлиқ шодиёна дамларни ҳадя этади.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ

БАЙРАМОЛДИ ҚУНЛАРИ СИЗЛАРНИ ЎЗ САВДО ЗАЛЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ПОЙАБЗАЛ БЎЛИМИДАН СИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ЭТИШИНГИЗ МУМКИН

баланд пошнали аёллар сабоси;

турли модель, фасон, тус ва размерлардаги хромланган, локланган, баланд пошнали, тагчарми чармли ва полиуретанли босоножкалар. Баҳоси — 27 сўмдан 40 сўмгача.

2-Тошкент пойабзал фабрикаси ишлаб чиқарган ва иттифоқдош республикалар корхоналарида тайёрланган эркакларнинг рангдор ва тим қора тусдаги сандалетлари;

болаларнинг турли размер ва тусдаги хромланган сандалетлари. Размерлари: 10,5 — 14;

тагчарми чармли, оқ рангдаги туфлилар. Размерлари: 19 — 20.

Қиз болалар учун босоножкалар.

Ўғил болалар учун сандалетлар:



СИЗЛАРНИ ТАЙЁР КИЙИМЛАР БЎЛИМИГА ҲАМ ТАШРИФ БУЮРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

Бу ердан Сиз сунъий ва табиий шойидан тикилган башанг кўйлаклар, турли фасонлардаги юбкаларни харид қилишингиз мумкин.

Биллур ва керамикадан тайёрланган маҳсулотлар байрамга яхши хотира совғаси бўла олади:

ГУЛЛАР УЧУН ВАЗАЛАР, КОНФЕТДОНЛАР, САЛАТДОНЛАР, ФУЖЕРЛАР — Тошкент ва Гусев биллур заводлари ишлаб чиқарган;

СОПОЛ КЎЗАЧАЛАР, ЛАГАНЛАР, ТАРЕЛКАЛАР, ГУЛЛАР УЧУН ВАЗАЛАР — Қувасой керамика заводи ишлаб чиқарган.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Баъзилар—уйда, оила даврасида, баъзилар—ресторанда дам олишни маъқул кўрадилар.

ЧИНДАН ҲАМ БАЙРАМ ОҚШОМИ ОШХОНАДА ҚУЛИБ-ПИШИШНИНГ НИМА ҲОЖАТИ БОР?

Пойтахт ресторанлари ва кафеларининг энг яхши ошпазлари Сиз учун мазали совуқ газаклар, салатлар, фирмали таомлар тайёрлаб беришади, оркестр эса Сиз ёқтирган куйларни ижро этади.

Байрам оқшомини ресторанда икки киши бўлиб ёки дўстлар даврасида ўтказиш мумкин.

ПОЙТАХТ РЕСТОРАНЛАРИ

муассасалар ва ташкилотлардан коллектив равишда байрам оқшомларини ўтказиш учун олдиндан

буюртмалар қабул қилмоқда

Байрамни оила даврасида ўтказмоқчи бўлганларни

КУЛИНАРИЯ ВА ПОЛУФАБРИКАТЛАР МАГАЗИНЛАРИГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

БАЙРАМОЛДИ САВДО КУНЛАРИ СИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН: балиқ, сабзавот ва гўштли масаллиқларни, тайёр хамирни, кулинария ва қандолатчилик маҳсулотларини;

ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

Байрамолди кунлари кулинария ва полуфабрикатлар магазинларининг хизматидан фойдаланинг!

28, 29, 30 АПРЕЛЬ,
7 ВА 8 МАЙ КУНЛАРИ

КУЛИНАРИЯ ВА ПОЛУФАБРИКАТЛАР МАГАЗИНЛАРИ
СОАТ 23.00 га ҚАДАР ИШЛАЙДИ

шаҳарликларга қулайлик яратиш мақсадида Дзержинский майдонида
30 АПРЕЛГА ҚАДАР
ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 ДАН
ПОЛУФАБРИКАТЛАР, КУЛИНАРИЯ ВА ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

ШАҲАР САВДО-КЎРГАЗМАСИ ИШЛАЙДИ

28 АПРЕЛДАН 30 АПРЕЛГА ҚАДАР
пойтахт ресторанлари ва кафелари олдида, шаҳар майдонларида, Иноғлоб хиёбонида;
ЦУМ, «Чилонзор» савдо маркази, Фрунзе савдо маркази, колхоз бозорларида

КУЛИНАРИЯ ВА ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

РАЙОН САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТАДИ

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ..

Байрам совғалари

Турли хил ёрқин ранглар, яхши кайфият, бу биринчи май. Анъанавий сюрпризлар, байрам кийимлари булар ҳам биринчи майдир.

СИЗНИ БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Кўйлак, блузка, юбка, костюм, шимбоп газламалар байрамга яхши совға бўла олади.

МАГАЗИН САВДОСИДА кенг кўламда сунъий ва табиий шойи, ҳамда синтетик газламалар;

европача ва миллий фасонларда тикилган кўйлаклар; ёрқин рангдаги костюмлар бор:

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»
МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

1—«Кийимлар уйи», Ш. Руставели кўчаси, 13-уй.
23— Навоий кўчасидаги шаҳар ярмаркаси.
6—Марказ —14 квартали, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти.
34—«Тоҳир ва Зуҳра — Октябрь бозорида.
40—Халқлар дўстлиги проспекти, 34-уй.
12—М. Горький майдони, 54-уй.
10—Олой бозори.
74—Госпиталь бозори.
8—Муқимий кўчаси, 23-уй.
36—Новомосковский кўчаси, 17-уй.
13—Чимкент кўчаси, 72-уй.
15 — Хўжаев кўчаси, 72-уй.
7—Олмазор кўчаси, 169 «а»-уй.
15—2/4-Қорақамиш массиви, 45-уй.
26—С. Раҳимов кўчаси, 331-уй.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

«ОЛМОС» СЮРПРИЗЛАРИ

Байрам кунлари совға-саломлар тортиқ этиш одат тусига кириб қолган. Бундай байрам тортиқлари қариндош-уруғлар ва яқинларга бўлган қайноқ меҳр, дўстона эътибордан далолат беради.

АЗИЗ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МЕҲМОНЛАРИ!

«ОЛМОС» МАГАЗИНЛАРИ

БИРИНЧИ МАЙ БАЙРАМИГА АТАБ СИЗЛАР УЧУН ТУРЛИ ХИЛ СОВҒА-САЛОМЛАР ТАЙЁРЛАДИ

БУ ЕРДАН СИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШЛАРИНГИЗ МУМКИН:

ҳинд усталари томонидан агат, аметист, нефрит каби қимматбаҳо табиий тошлардан ясалган **мунчоқлар.**

Гуллар учун: **вазалар, конфетдонлар, шаъмдонлар.**

Қўл соатлари: олтиндан ясалган безаклар: қимматбаҳо тошлар билан безатилган узуклар, никоҳ узуклари, исирғалар, турли хилдаги олтин занжирлар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган кумуш узуклар, билакузуклар, эркакларнинг узуклари.

Узук, исирға, тўғноғич — аёлларнинг энг кўп тарқалган ва севимли безагидир. Уларни ҳар қандай ёшдаги аёлларимиз севиб тақиб юришади. Кумушдан ясалган безаклар ҳозирги замон кийим-кечаклари стилига жуда мувофиқ тушиб, уни янада безайди, аёллар либосини тўлдиради: Башанг кўйлак ёки костюмга медальонлик занжирча ва юпқа билакузук жуда ўтиришади. Энг чиройли, аммо катта ҳажмдаги узук ингичка ва кичкинтаккина қўлда назокатли кўринмайди.

«ОЛМОС» бирлашмаси магазинларидан Сиз чунончи, ошхона қошиқлари, вилкалари, пичоқлари наборларини ҳам совға сифатида харид қилишингиз мумкин.

«ОЛМОС» СЮРПРИЗЛАРИ БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА БЎЛА ОЛАДИ

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

1 — «ИЗУМРУД» — Т. Шевченко кўчаси, 31-уй.
2—«РУБИН» —Б. Хмельницкий кўчаси, 56.
10—Октябрь бозори.
13—Навоий номли, 1-уй.
14—Олой бозори.
17—Госпиталь бозори.
18—Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
26—Бешёғоч бозори.
27—В. И. Ленин проспекти, 40-уй.
36—Куйбишев кўчаси, 5-уй.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-САВДО БИРЛАШМАСИ.

бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

27 АПРЕЛЬ — СЕШАНБА
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.15 «Ишлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Афғонистоннинг миллий байрами — Апрель революциясининг 4 йиллигига. Афғон телевидениесининг программаси. 20.25 «Низоли вазият». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Классик оперетта кечаси. 23.20 «Катта сув». Телевизион ҳужжатли фильм. 24.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Финляндиядан олиб кўрсатилади.

Марказий телевиденнеининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Бальзаминовнинг уйланиши». Бадиий фильм. 20.10 «Москва бўйлаб сайҳат». «Неглинка дарёси оқиб ўтган жойда». Телевизион ҳужжатли фильмлар («Экран»). 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқ оҳанглари». 21.00 Спорт ҳафталиги. 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Финляндиядан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнеининг программалари
I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Юлдузча». Болалар учун киноальманах. 18.45 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар» (такрорий). 19.05 «Миллионлар ленинча университети». «Амалдаги интернационализм». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Ҳужжатли кинохрани. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Галла» — ризқу рўзимиз». 22.20 «Раиснинг ўғли». Бадиий фильм. 23.40 Янгиликлар.

28 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 Г. Пономаренко қўшиқлари. Краснодардан олиб кўрсатилади. 10.10 «Низоли вазият». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Уч бор туғилган». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»). 16.10 Ёзувчи Иван Ефремов туғилган кунининг 75 йиллигига. 16.50 «Горчичлар, қардошлар»? 17.35 Шахмат мактаби. Бошловчилар учун.

18.05 «Меҳнаткашлар бирдамлиги — 1 Май шиори». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи И. Фесуненко олиб боради. 18.30 «Эсдаликлар». Фильм-концерт премьераси («Экран»). 19.00 «Расмларда куёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Фан оламида». Фан ва техника соҳасида 1982 йил Ленин мукофотининг лауреатлари ҳақида. 20.05 И. Гайдн. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт. 20.25 «Эски хатлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.00 «Муаммолар, изланишлар, ечимлар». ВЛКСМ XIX съездига. 23.30 Балет артистларининг чиқиши. 23.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденнеининг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Рейс тароналари». Телевизион ҳужжатли фильм (Горький). 9.35 ва 13.05 Ота-оналар, Сизлар учун. 10.05 ва 12.05 Немис тили. 10.35 ва 11.35 Астрономия. 10-синф. Коинотнинг тузилиши ва эволюцияси. 11.05 Ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларига. Химия. СССР халқ хўжалигида химия. 12.35 ва 13.35 Тарих. 9-синф. СССРда маданий революция. 14.05 П. Неруда. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 14.45 Ўқитувчи экрани. Зоология. 7-синф. Маймунлар. 15.10 Тарих. 6-синф. Уйғониш даври санъати. 15.35 В. Г. Белинский, Замондошларнинг хатлари ва хотиралари асосида. 16.20 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнеининг программалари
I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ботаника. Мевалар ва уруғлар. 12.00 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви (такрорий). 12.30 Ботаника. Мевалар ва уруғлар (рус.).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ноз-неъмат бунёдкорлари». 19.00 «Фан уфқлари». САИМЭ — 50 ёшда (такрорий). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Бизнинг иқтисодий масалалар бўйича шарҳимиз. Кўрсатувни иқтисод фанлари доктори А. Абдуғаниев олиб боради. 20.15 «Баҳорги кузатишлар». Фильм-манзаралар. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Озод Ватанимиз, орзусин шон-шуҳратинг». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган телевизион фестиваль. Грузия телевиденнеининг программаси. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Тошкент область нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармаси коллективи бўлим бошлиги А. С. Назировга онаси

Азиза САБРИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Киров район ободонлаштириш бошқармаси коллективи бошқарма ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ҳ. Мақсудовга рафиқаси

Муҳаррам МАҚСУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 33-54-19; фан, маориф ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

27 АПРЕЛЬ, 1982 й. Р-07193. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2324. Индекс 64691.